

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 163 (952), 2023 йил 17 август, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТРАНСПОРТ, ЭНЕРГЕТИКА ВА САНОАТ ЛОЙИХАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 август куни транспорт, энергетика ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Транспорт инфратузилмаси кенлиги ва қулайлиги мамлакат ривожини кўрсатувчи, унга қўшимча импульс берувчи муҳим омил. Ўртимизда бу соҳада кўплаб лойиҳалар амалга оширилиб, автомобиль, авиация, темир йўл, метрополитен каби барча тармоқларда янги объектлар ишга туширилди.

Шундай лойиҳалардан яна бири — “Тошкент-Шарқий” аэропортининг янгиланиши. Давлатимиз раҳбари ўтган ойда унинг қурилишини бориб кўрган эди. Унда берилган топшириқлар асосида мажмуа бош режаси самарадорлик жиҳатидан такомиллаштирилди. Хусусан, аэропорт ҳудуди 130 гектарга қисқартирилади. Бунинг эвазига уни сақлаб туриш харажатлари ҳам камаяди.

Ҳозирда 4 километр узунликдаги учиб-қўниш йўлаги қуриб бўлинган. Бу ерда 2 та — юқори мартабали меҳмонлар учун ҳамда бизнес-авиация терминали бўлади. 25 та самолёт учун турароҳ, ангарлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилади. Аэропорт нуқул об-ҳаво шароитларида ҳам учиб-қўнишни таъминловчи ИСАО III-A тоифасидаги замонавий радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади.

Тошкент шаҳри ривожлангани сари аҳоли сони ҳам, уларнинг фаоллиги ҳам ошиб бормоқда. Бунинг билан автомобиль кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Лекин, шу билан бирга, шаҳар кўчаларида тирбандлик ҳам ортмоқда.

Маълумки, бу муаммони ҳал этишнинг йўли — жамоат транспортини ривожлантириш, унда юришни автомобиль ҳайдашдан кўра қулай қилиш. Шу мақсадда, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, Тошкент шаҳрига янги автобус ва электробуслар олиб келинди. Йўловчи ташиш қуввати ошиб, жамоат транспортининг оралиқ вақти қисқарди.

Шаҳарда тирбандликни камайтириш учун Тошкент метрополитенининг охириги ва серкатнов бекатлари ёнида автотураргоҳлар барпо этиш режалаштирилган. Мақсад — одамлар шахсий автомобиллини шу ерда қолдириб, шаҳар ичкарасига жамоат транспортида боришига шароит яратиш.

Шунингдек, тақдимо давомида мамлакатимизда энергетика қувватларини ошириш масаласига эътибор қаратилди. Жумладан, пойтахтимизда электр энергияси тармоқларининг фавқуллода ҳолатларга бардошлилигини мустаҳкамлаш ҳамда муқобил энергия манбаларини интеграция қилиш чоралари қўрилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия тармоғида жами қуввати 13 минг 777 мегаваттлик 33 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, электр энергияси инфратузилмасини такомиллаштириш ва об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириш, захира қувватлар ҳосил қилиш, истеъмолни ақлли бошқариш бўйича иш олиб боришмоқда. Тақдимода Тошкент шаҳрида саноатни ривожлантириш кўрсаткичлари ва режалари тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Бугунги кунда пойтахтимиз иқтисодиётининг 34 фоиздан зиёди саноат ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили 110 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Айниқса, озиқ-овқат, металлургия, тўқимачилик тармоқларида ўсиш юқори бўлган.

Бу соҳадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида “Янгиҳаёт” индустриал технопаркни кластер тизимига ўтказиш таклифи билдирилди. Унинг майдони 500 гектар бўлиши, 810 та корхона жойлаштирилиши ва 100 мингта иш ўрни яратилиши мўлжалланган. Кластер тизими йўлга қўйилиши натижасида ишлаб чиқариш сифати ошиб, транспорт харажатлари ва таннархни камайтиришга эришилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

Шу кунларда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтмоқда. Кўпчиликда “Бу ўзи қандай ҳужжат, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан фарқли жиҳатлари нимада?” деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

ЎЗГАРИШЛАР УЧУН ХАЛҚЧИЛ ЁНДАШУВ

Айтиш жоизки, Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастурида бир қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилган, юрдошларимиз фикрлари эшитилиб, уларни уйлантириб келаётган масалалар эътиборга олинган эди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидан ана шу ташаббуслар, халқимиз билдирган таклифлар инobatта олинган ҳолда етти йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ўрин олган.

Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Конституциямиз асосида ҳам қонунчилика кўплаб концептуал ўзгаришлар киритилди. Табиийки, буларнинг барчаси Тараққиёт стратегиясидаги мақсадларга ҳам аниқликлар, тузатишлар киритишни тақозо этди. Яна бир жиҳат шундаки, аслида, 2026 йилга қадар белгиланган асосий мақсадлар ўзгармайди, фақат унга қўшимча равишда қатор муҳим вазифалар режалаштирилган.

Давоми 3-бетда

ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

ДАРСЛИКЛАР ЯНГИДАН ТАЙЁРЛАНДИ



Янги ўқув йили бошланишига санокли кунлар қолди. Кўпчилик ҳалигача янги авлод дарсликлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Хўш, янги авлод дарсликлари таълим сифати ошиши, болаларимизнинг билимли, салоҳиятли, эртанги кунимиз таянчи бўлиб улғайишига қанчалик хизмат қила олади? Уларда нималар акс этган? Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази раҳбари Воҳид Ҳамидов билан суҳбатда шу саволларга жавоб изладик.

— Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитиш методикасини такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Шунга мувофиқ, ўтган вақтда дарсликларни янгилаш бўйича муайян ишлар бажарилди. Хусусан, илгор хорижий тажрибалар асосида 1-4-синф дарсликлари янгидан тайёрланди, — деди В.Ҳамидов. — Янги дарсликлардаги топшириқ ва вазифаларни бажариш орқали ўқувчиларимизда бошланғич синфларда билимини баҳолайдиган PIRLS, TIMSS, EGMA, EGRA каби халқаро дастурларнинг масалаларини ечиш малака кўникмаси шаклланади.

Бир қатор илгор хорижий давлатларда информатика фанини кичик ёшдан ўқитиш йўлга қўйилган. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)га аъзо мамлакатларнинг кўпида дастурлаш асосларини 1-синфдан бошлаб ўқитилади. Бизда ҳам шу янгиликни жорий қилиш учун илгор хорижий тажриба асосида 1-синф учун янги замонавий информатика дарслиги яратилди.

Дарсликлар замонавий ахборот жамиятига муваффақиятли мослашиш учун зарур бўлган кўникма ва малакани шакллантиришга



қаратилган. Жумладан, танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш учун ижодий фикрлаш, мулоқот қилиш ва самарали ҳамкорлик қабиларни ривожлантириш кўзда тутилган. Ушбу кўникмаларни эгаллаш ўқувчиларга ўзарувчан дунёда фаол иштирок этиш, муаммоларни ҳал қилишда аналитик ёндашувни қўллаш, янги гояларни ишлаб чиқиш ва бошқалар билан муваффақиятли мулоқот қилишга тайёр бўлишни ўргатади.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб мактабларда ўқитиладиган компьютер саводхонлиги дарслари 1-синфда ҳафта-1 соат ўтилиши кўзда тутилган. Информатика дарсида ўқувчилар компьютер билан тўғридан-тўғри ишлаши шарт эмас. Дарсликларда асосан ахборот кетма-кетлиги каби базавий билимлар акс этган.

Яъни юқори синфларда информатика фанини тушуниш учун керак бўладиган бошланғич тушунарлар берилган.

Ҳозир сунъий интеллект ҳаётимизга фаол кириб келяпти. Айниқса, юқори синф ўқувчилари сунъий интеллект билан мулоқотга киришиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олаётгани бор гап. Тўғри савол бериш, мулоқот қилиш ҳолатларига ўзимиз ҳам гувоҳимиз. Ушбу жараён ҳам болаларда технологиядан фойдаланган ҳолда мантикий фикрлаш, ижодкорлик ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Келажак авлодни тез ўзгариб бораётган рақамли дунёга тайёрлаш ва таълим жараёнига замонавий технологияларни интеграциялаштириш шунинг учун ҳам сув ва ҳаводек зарур.

Давоми 5-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ДАРАХТЛАР ЭҒАСИЗ ЭМАС ПРЕЗИДЕНТ РАД ЭТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН МУЛОҲАЗАЛАР



Мамлакатимизда дарактларни ноқонуний кесганлик учун жарималар оширилиши назарда тутилган ҳуқуқий ҳужжат қайта қўриб чиқилади. Чўнқи ушбу ҳолат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун янги санкциялар кўзда тутилган қонун лойиҳаси Президент томонидан рад этилди. Депутат ва экспертлар бунга жарималар миқдорининг камлиги сабаб бўлиши мўмкинлигини таъкидламоқда.

Олий Мажлис Сенатининг шу йил 3 майдаги мажлисида маъқулланган мазкур қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгаришлар киритилган эди. Ҳужжатга кўра, даракт ва буталарни, бошқа ўсимлик ҳамда ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 1-қисми) фуқароларга БҲМ-

нинг 10 баробаридан 15 баробаригача (5 дан 10 баробаригача бўлган) ёки 3,3 миллион сўмдан 4,95 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга эса 15 баробаридан 20 баробаригача (10 дан 15 баробаригача бўлган) ёки 4,95 миллион сўмдан 6,6 миллион сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давоми 4-бетда



АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК ЗАМОНУ МАКОН ТАНЛАМАС ИЖОД

ЁХУД ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ
АДАБИЙ
ТАРЖИМАШУНОСЛИГИГА
БИР НАЗАР

Туркистон заминида яшаган халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини азалдан бирор марта хусумат ва адоват қиличи узган эмас. Ўзбек ва қирғиз халқларининг адабий-маданий алоқалари ҳам кеча пайдо бўлмаган. Ўтган асрда қирғиз халқининг муҳташам эпоси — “Манас” ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинди.

Давоми 6-бетда

ҚАРОР ВА ИЖРО



ЧУРУҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Энди кузу қиш хавотир уйғотмайди
Дейишмоқда қишлоқ аҳолиси

2

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ



МАНСАБДОР ЭМАС, МАҲАЛЛАНИНГ ДАСТЁРИ

2

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



ШАФФОФ ИДИШДАГИ ДАРОМАД

4

НУҚТАИ НАЗАР



ТИЛ БИЛИШ, СЕРТИФИКАТ ВА ДАРАЖА

5



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz-uz-news



ҚАРОР ВА ИЖРО

ЧУРУҚҚА ГАЗ КЕЛДИ ЭНДИ КУЗУ ҚИШ ХАВОТИР УЙҒОТМАЙДИ ДЕЙИШМОҚДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ

Ёзининг жазирама кунлари чекиниб, ўлкамизга ўзининг кут-баракаси, мўл-қўл ҳосили билан куз фасли қариб келишига ҳам санокли кунлар қолди. Бу фасл бошланиши билан юртдошларимиз изғиринли, қор-қировли кунларга тараддуд қўриб, уйини иситиш, овқат пишириш, чой қайнатиш учун қўлай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ўйлай бошлайди. Уларни ҳал этиш учун эса, биринчи навбатда, газ ва электр энергияси зарур.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири,
Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
“Худудгаз Бухоро” газ таъминоти
филиали матбуот котиби**

Шу ўринда айтиш лозимки, сўнгги йиллардаги ислохотлар тўғрисида мамлакатимизнинг олис ҳудудлари аҳолисига газ етказиб бериш борасида кўплаб ишлар қилинди.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриямал бўлди. Қарорда олис ва бориш қийин бўлган қишлоқларда куз-қиш даврида суьлтирилган газ етказиб бериш ва захирасини яратиш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Ҳўш, ўтган қарийб бир йил ичида қарорда белгиланган вазифалар ижроси ҳудудларда қандай бажарилди? Нималар қилинди-ю, нималар эътибордан четда қолди? Шу саволларга Бухоро вилояти мисолида жавоб излаймиз.

Шофиркон тумани вилоят марказидан салкам 120 километр узоқда жойлашган. Чўл кенгликларни ёзда иссиқ, қишда эса совиб кетади. Шунга қарамай, газчилар вазифаларига виждонан ёндашиб, барча зарур юмушларни ўз вақтида адо этапти. Бундан аҳоли ҳам жуда мамнун.

— Яқин йилларга фақат ўтин ёқардик. Ўтин топишнинг ўзи бир азоб эди. Бугун эса хонадонларимизга суьлтирилган газ етиб келди. Қўвонарли яна бир жиҳати, газ пулини тўлаш ҳам осонлашди. Уч йилдан буён тўловларни пластик карталарда амалга оширямиз, — дейди тумanning Чуруқ овулида истикомат қилувчи 74 ёшли онахон Ойбарчин Эшназарова.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда газ таъминотида юз берган ўзгаришлар истеъмолчилар ишончини оқламақда. Хусусан, соҳага рақамли технологиялар қариб келиши шаффоқлиқни таъминлади. Худудларда аҳолига газ таркатадиган масъул шахсларнинг харид учун истеъмолчидан нақд пул қабул қилишига чек қўйилди.

— Тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимнинг ўз вазифаси бор, — дейди Бухоро вилояти газ таъминоти филиали директори ўринбосари Абдуқодир Максудов. — Очиги, авваллари баллонда қанча газ бўлса ҳам улар бир хил нархда сотилаверган. Бу истеъмолчилар норозилигига сабаб бўларди. Энди газ баллонлари жойларга жўнатилишидан олдин назорат тарозидида ўлчангани ва ўлчовга қараб нархи белгиланади. Тўловлар юз фоиз пластик карта орқали амалга оширилади. Бу газни аҳолига етказиб беришда шаффоқлиқни таъминлаётгани ва мавжуд муаммоларнинг олди олиниши учун хизмат қилмоқда. Бугун “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали томонидан 167 мингдан зиёд истеъмолчи суьлтирилган газ билан таъминланган. Уларга сўнгги олти ойда 14 минг тоннага яқин ушбу маҳсулот етказиб берилди.

Биз юқорида тилга олган Чуруқ овули аҳолиси неча йиллардан буён газ йўқлиги сабаб азият чекиб, қийналиб келган. Чорвачилик соҳасида ўзига хос тажрибаси билан машҳур бўлган чуруқликлар сўнгги йиллардаги ислохотлар боис, ўтин ёқиб чой қайнатишдан халос бўлди.

— Чуруқ — чўл бағридаги чорвадорлар қишлоғи. Шу қишлоққа газ етказиб бериш менга юкланган. Ҳар кун ирта тонгдан газ тўлдириш шохобчасидан чиқиб, деярли 3 соат деганда қишлоққа етиб келаман, олтишдан ортиқ хонадонга газ баллонларини таркатаман. Истеъмолчиларнинг биз ҳақимиздаги илқ фикрларини, ёши улғуларнинг дуосини эшитиб қўвонаман. Тўғриси, хайрли иш қилиш барибир яхши-да, — дейди овулга газ

баллонлари етказиб бериш билан шуғулланувчи ҳайдовчи Суҳроб Содиков.

Ҳа, бугун тизимда талайгина янгиликлар яратилди. Кўп жойларда илгаригидай ўтин излаб сарсон бўлиш, газ баллонларини қутиб, сарғайишларга барҳам берилган.

— Газ баллонлари истеъмолчиларга вилоятдаги 3 та газ таъминоти филиали тасарруфидида газ тўлдириш шохобчаси ҳамда хусусий газ тўлдириш шохобчалари орқали етказиб берилмоқда, — дейди вилоят газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Азиз Расулов. — Ҳар бир газ баллонига ёпиштирилган махсус кодли ёрлик уларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Газ тўлдириш шохобчаларининг кўнлик қуввати 22 тонна бўлиб, 12 нафар ходим шу иш билан банд.

Шу кунларда вилоятдаги газ тўлдириш шохобчаларида иш қизган. Ходимлар ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Қорақўл туманидаги “Қорақўл” газ тўлдириш шохобчасида қарийб ўн йилдан буён фаолият олиб бораётган чилангар Комилжон Ғафоров ҳам ўз касбининг жонқуярларидан.

— Эрта тонгдан иш бошлаймиз. Меҳнатимиз машаққатли, аммо заъки бўлакча. Одамлардан раҳмат эшитганимда, дуо олганимда чарқоч чиқиб кетади. Барчамизнинг мақсадимиз бир — аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилиш, — дейди у самимийлик билан.

Ромитандаги Қўзилправот овули туман марказидан 231 километр олинса, эртақларда айтилганидек, қўш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган Қўзилқум кенгликларидида жойлашган. Маҳалладаги 104 та оилада 600 га яқин аҳоли яшайди. Умумий майдони 294 минг гектарни ташкил этаётган ҳудуднинг аксар ери чўл ва қумликлардан иборат.

Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда овул инфратузилмасини яхшилаш, унда истикомат қилаётган юртдошларимиз фаровон турмуш кечириши учун қўлай шарт-шароит яратишга эътибор кучайди. Худуддаги истеъмолчиларга “Ромитантумангаз” газ таъминоти бўлими ходимлари томонидан ўз вақтида газ баллонлари етказиб берилаяпти. Бу борада таъминот ва муаммоларни бартараф этиш тўлиқ назоратга олинган.

— Ёшлигимиз қийинчиликлар билан ўтиб кетди. Биз табиий газдан фойдаланмаганмиз, чўлнинг иссиғида, қишнинг қаратонидида уй иситиш, қозон қайнатиш осон кечмаган, — дейди 70 ёшли отахон Дусбай Қартланбетов. — Яратганга шукр, энди тутун хидидан бўйилмаямиз. Барака топғур газчилар баллонларини ўз вақтида кечиктирмасдан олиб келяпти.

Дарҳақиқат, авваллари аҳолидан маиший газ баллонлари йиғиб олиниб, маълум вақт орқалидагина тўлдириб берилар эди. Эндиликда газ идорасининг захира газ баллонлари тўлдирилган ҳолда олиб келиниб, аҳолининг тугаган газ баллонлари пешма-пеш алмаштириб берилмоқда. Бу билан халқимизга катта қўлайлик яратилди.

Вилоятнинг Тўрқманистонга туташ Олот туманидаги 33 та маҳалла ҳам суьлтирилган газ билан таъминланган. Уларга бошқа истеъмолчилар қатори ўз вақтида газ баллонлари етказиб берилмоқда.

— Маҳалламиз аҳолиси 2018 йилдан бошлаб газ баллонли билан тўлиқ таъминланаяпти. Бу борада муаммо йўқ. Қандайдир носозлик бўлса, дарҳол 104 рақами орқали мурожаат қиламиз, тезда келиб тузатиб кетишади. Умуман, бу борада ижобий ўзгаришлар турмуш шароитимизда кўриниб турибди, — дейди Човдур маҳалласи фаоли Олим Худойбердиев.

Албатта, мақолани ўқиган кишида тизимда муаммолар йўқми, деган савол туғилиши табиий. Бор, аммо оз фурсат ичида мавжуд муаммолар бартараф этилиб, кенг қўламли ислохотлар натижаси бўй кўрсата бошлади. Бу эса одамларда эртага бугунгидан ҳам яхши яшашига умид уйғотмоқда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

МАНСАБДОР ЭМАС, МАҲАЛЛАНИНГ ДАСТЁРИ

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилиб, мазкур вазифага салоҳиятли кадрлар тайинланаётгани бежиз эмас. Зеро, бу одамлар ҳаётини яхшилашга замин яратмоқда.

Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл туманидаги Марказобод маҳалласида 340 та хонадон бўлиб, уларда салкам 1900 нафар аҳоли истикомат қилади.

— Асосий вазифамиз халқ дарду ташвишларига қўлоқ тутиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга қўмаклашишдан иборат, — дейди мазкур маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Акмалжон Қўчқоров. — Маҳалламиздаги 340 хонадоннинг 190 тасида ер майдонлари бор. Аҳолининг жами томорқа ерлари 7,4 гектар. Меҳнатга лаёқатли 1141 нафар фуқародан 711 нафарнинг бандлиги

томонидан берилаётган микрокредитлар эса маҳаллада ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шу орқали оила аъзолари ёки 3-4 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш имконини берапти.

Акмалжон Қўчқоров тавсияси асосида маҳаллада истикомат қилувчи Қўндўз Нурумбетова “Musa Rustamov shirinliklari” оилавий корхонасини очиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун унга “Агробанк” АТБ ҳудудий филиали томонидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга ўзи



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

таъминланган. Айни пайтда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га рўйхатга олинган фуқаролар бўйича алоҳида иш олиб бориляпти.

Ҳа, ҳоким ёрдамчиси зиммасига улкан масъулият юкланган. Жорий йилнинг олти ойда ҳоким ёрдамчиси саяё-ҳаракатлари билан 100 дан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланди. Уларнинг асосий қисми доимий, бошқалари ўзини ўзи банд қилиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этилди.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 39 жисмоний ва юридик шахсга 698 миллион сўм кредит ажратилган. Банклар

ҳам яна 25 миллион сўм қўшиб, корхонани ишга туширди. Табиийки, маҳалладаги бир неча ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

— Ҳамма ҳам биринчи галда оиласи тўқиллиги, фарзандлари яхши таълим-тарбия олишига етарли шароит яратишга интилиб яшайди, — дейди Қўндўз Нурумбетова. — Ҳоким ёрдамчиси оилавий шароитини ўрганиб, “Агробанк”нинг туман филиалидан “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури асосида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам берди. Энг муҳими, шу маблағни ишлаб чиқариш йўналишига йўналтиришда



ПРЕСС-ТУР



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Гуличеҳра САТТОР қизи,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан “Рақамли кон” концепцияси амалга оширила бошланди. Концепция бўйича углеводород конларини 3D усулда моделлаштириш, маълумотларни рақамлаштириш ва ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда юритиш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” АЖ тарихида илк марта замонавий талабларга мос келадиган “OPEN-SPACE” моделлаштириш маркази барпо этилди.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган пресс-турда ушбу марказ фаолияти, сўнгги вақтларда тизимда амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз борди.

— Илгари маълумотлар қозғода бўлган бўлса, ҳозир ҳамма маълумотлар рақамлаштирилди, — деди “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Бехзод Усмонов. — Албатта, тизимни рақамлаштириш натижасида ишчимиз янада жадаллашди ва самарадорлик ортди.

Соҳа мутахассислари маълумотларига қўра, моделлаштириш маркази томонидан 2019-2023 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидида 7200 дан ортиқ қудуқ бўйича 470 мингга яқин геологик ва техник маълумот, 1400 дан ортиқ қудуқ бўйича 44 мингга геологик тадқиқот натижалари ва 750 та сейсмик маълумот рақамлаштирилган.

— Янги конларни бурилаш ва улардан газ ишлаб чиқариш доимий режамизда бор. Жорий йилда 123 та янги кон бўйича ишляямиз. Уларни капитал таъмирлаш орқали мўлжалга эришиш мақсадида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз, — дейди ушбу марказ бўлим бошлиғи Анвар Муротов. — Газ қазиб олиш ва ишлаб

чиқариш жараёни ҳам рақамлаштирилади. Бу борада “Е-кон” лойиҳаси жорий қилинмоқда. Бунда ҳар бир кон ҳудудида газ ишлаб чиқаришни онлайн қўриб туриш ва уларда зарур ишларни амалга ошириш имкони бўлади. Эътиборлиси, маълумотларни яхлит тизимда бириктириш асосида Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг ягона миллий маълумотлар базаси яратилди. Миллий маълумотлар базасини лойиҳалаштириш, зарур моддий-техник ресурсларни етказиб бериш, уларни ўрнатиш ва ишга туширишда АҚШнинг “Schlumberger” компанияси билан ҳамкорлик қилинди. Ҳозир углеводород конларининг рақамли 3Д геологик ва гидродинамик моделларини тузиш ва ишлаб чиқаришга босқичма-босқич татбиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ер ости геологик маълумотларни рақамлаштириш орқали 122 та коннинг рақамли геологик, 83 та коннинг гидродинамик, 52 та коннинг ер усти тармоқ моделлари, 6 та интеграл, 2 та регионал модели ва 4 та коннинг “Techlog” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Моделлаштиришнинг афзаллиги шундаки, рақамли геологик, гидродинамик ва тармоқ моделлар ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши натижасида мавжуд хатарлар камайишига эришилди.

керакли йўл-йўриқ кўрсатди. Келажақда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Худо хоҳласа, халқимизга манзур бўладиган ҳар хил сифатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз.

Ҳа, ислохотлар самараси аҳоли турмушида ҳам акс этапти. Бунга Марказобод маҳалласида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Жумладан, “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган 13 нафар хотин-қизга ҳоким ёрдамчисининг қўмағида бир неча йўналишларда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун 176 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ишсиз фуқаро Барно Алимовага новвойлик фаолиятини йўлга қўйиши учун банддан 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилиб, у ўз уйида новвойхона очгани ва шу орқали оиласи даромад манбаига эга бўлгани бунга биргина мисол бўла олади.

Тикувчилик ва тўқувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун маҳалла фуқаролар йиғини биносидан битта хона ажратилиб, бу ерда ижтимоий дафтарларда турувчи 20 нафарга яқин хотин-қиз касб-хунарга бепул ўргатилмоқда.

Айни пайтда маҳаллада 8 та юридик ва 5 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатида ўтказилган. Ҳоким ёрдамчиси томонидан шакллантирилган “маҳаллабай” микро лойиҳаларнинг учтаси ишга туширилди ва ўн нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

Ҳозир маҳалла ҳудудида саноат йўналишида 12, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 19, хизмат кўрсатиш йўналишида 46, жами 77 кичик тадбиркор фаолият олиб бормоқда. Бу ёмон кўрсаткич эмас.

Худудда йирик корхоналар мавжуд бўлмаса-да, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш орқали рўзгор тебратишга имконият, шарт-шароит яратилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқаролар эса қўнчилиқ. Уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, субсидия ёки имтиёзли кредитлар ажратилаяпти.

Биз шу мавзуни ёритишда бежиз мазкур маҳалла ва унинг ҳоким ёрдамчиси фаолияти ҳақида сўз юритмадик. Акмал Қўчқоров 2022 йилда Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси томонидан ташкил этилган “Энг яхши ҳоким ёрдамчиси” Республика танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида учинчи ўринни эгаллаб, энг яхши ҳоким ёрдамчилари сафига эътироф этилган. У ўзини ҳеч қачон мансабдор ҳис этмайдди. Лавозими ҳақида сўраганларга қамтарлиқ билан “Мен маҳалланинг дастёриман”, дейди қилаётган ишидан фахрланиб.

“РАҚАМЛИ КОН” НИМА?

Хусусан, Қўйи шарқий Бердак, Қўйи Сургил, Шўртан, Денгизқўл, Алан, Тегиримон, Қўлбеш-қак, Дояхотин ва бошқа кўплаб конлардаги бурилаш учун мўлжалланган 150 дан ортиқ қудуқнинг лойиҳавий жойлашув ўрни қайта қўриб чиқилиб, истиқболи юқори жойларга ўзгартрилди ва конструкцияси оптимизация қилиниб, ижобий натижага эришилмоқда. Иш-латилаётган конларда геологик хатар илгари 40-45 фоиз бўлса, ҳозир 5-10 фоизгача камай-тирилди. Рақамли трансформация натижасида олинган самара 66,7 миллион долларни ташкил этди.

Тадбир доирасида соҳа мутасаддилари, марказ томонидан жорий йилда конларнинг геологик ва гидродинамик моделларидан ташқари уларнинг тармоқ ва регионал моделларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга интеграция қилиш ишлари амалга оширилиши ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берди.

Жорий йилда янги очиладиган барча конларнинг геологик модели, 28 та коннинг гидродинамик модели, 40 та коннинг тармоқ модели, шунингдек, Мўборақ ва Шўртан нефтгаз ҳудудлари бўйича ҳамда Бухоро — Хива региони риф тизимида оид жами 3 та регионал модель тузилди.

Пресс-тур доирасида жамият бошқаруви раиси Улугбек Назаров “Ўзбекнефтгаз” АЖ конларини рақамлаштириш бўйича “Е-кон” лойиҳасининг мақсади ва ундан қўтилаётган натижалар хусусида маълумот берди.

— “O‘ZLITINEFTGAZ” АЖ конларнинг эксплуатация кўрсаткичларини прогноз қилиш воситалари ёрдамида жадал суръатларда углеводород хомашёси қазиб олиш тизимини тезкор ташкил қилиш ва бошқариш бўйича дастурий-техник комплекс ишлаб чиқмоқда. Бу тизимнинг мақсади ер усти жиҳозлаш тизимлари билан интеграциялашган тарзда табиий газ қазиб олишни тўлиқ ахборотлаштириш ва рақамлаштиришдан иборат.

Бу орқали конлардаги қазиб олинган табиий газни йўлдош сувдан ажратиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, ҳар бир қудуқнинг технологик иш режимини, умуман, конларни оптималлаштириш бўйича қудуқ унумдорлигининг ҳақиқий қийматини ҳисобга олишга эришилди. Бугунги кунга қадар “Е-кон” базавий дастурий-техник комплекси, шунингдек, конларни рақамлаштиришнинг ер усти жиҳозлашни тезкор бошқариш тизими (SCADA) ишлаб чиқилган.

ЎЗГАРИШЛАР УЧУН ХАЛҚЧИЛ ЁНДАШУВ



**Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати раиси**

Бошланиши 1-бетда

Энди бевосита “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасида таклиф этилаётган вазифаларга тўхталсак. Стратегия 5 йўналишни кўзда тутган. Биринчи йўналиш “ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш”га қаратилган бўлиб, бу борадаги муҳим масалалар назарда тутилмоқда. Мисол учун, умумий ўрта таълим тизимида жорий йилдан бошлаб ҳар йили 500 минг янги қувват ташкил этиш кўзланмоқда. Бунинг натижасида келгуси етти йилда 3,5 миллион ўқувчи ўрни яратилади. Мактабгача таълим қамровини 100 фоизга, олий таълим қамровини камида 50 фоизга етказиш каби муҳим мақсадлар белгиланган. Энг асосийси, ушбу стратегия доирасида таълим соҳасига эътибор энг бирламчи масала сифатида қўрилмоқда.

Инсон капиталини ривожлантиришга доир ислохотлар жараёнида тиббиётни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

“Инсон капиталини ривожлантиришга доир ислохотлар жараёнида тиббиётни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳада 700 та поликлиника барпо этиш, 28 минг шифо ўрни яратиш, 16 минг шифокор штати ташкил этиш таклиф этилмоқда. Тугуруқ ўринлари сонини 35 фоиз ошириш назарда тутилмоқда.

ди. Ушбу соҳада 700 та поликлиника барпо этиш, 28 минг шифо ўрни яратиш, 16 минг шифокор штати ташкил этиш таклиф этилмоқда. Тугуруқ ўринлари сонини 35 фоиз ошириш назарда тутилмоқда.

Биринчи йўналишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс вазифалар ҳам қайд этилган. Мисол учун, ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия бўймлари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиш белгиланган. Ёшларнинг замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда 1 тадан “Креатив парк” очил, уларга йилга камида 40 минг ёш жалб қилинади. Умуман олганда, биринчи йўналишда ҳалқимиз учун ўз имкониятларидан самарали фойдаланишга қўмақлашувчи яхлит тизим шакллантириш мақсад қилинган.

Иккинчи йўналишда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалаларида қатор таклифлар илгари сурилган. Хусусан, келгуси етти

йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш режалаштирилган. Ўтган йили илк бор мамлакатимиз ЯИМ ҳажми 80 миллиард долларлик маррага етган эди. 2030 йилгача ушбу кўрсаткични 2 баробар ошириш белгиланмоқда. Қолаверса, инфляция даражаси 5-6 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, кредит фоизларини 10-12 фоизгача тушириш, камида 3 та тижорат банкида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, жамоат транспортини тўлиқ экологик тоза ёқилгига ўтказиш, 56 минг километр йўл қуриш ва таъмирлаш, 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш каби иқтисодий масалалар юқоридagi маррага етиш учун муҳим ҳисобланади.



Келтирилган мисоллар стратегияда белгиланган иқтисодий мақсадларнинг бир қисми, холос. Бундан ташқари, саноат, туризм, қурилиш, энергетикани ривожлантириш

стратегияда алоҳида йўналишда акс эттирилмоқда. Жумладан, сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоиз ошириш, барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга, ички сўғориш тармоқларининг 50 фоизини ёпиқ қуворли сўғориш тизимларига ўтказиш, йирик насос станцияларини давлат-хусусий шериклигига бериш мақсади белгиланган. Шунингдек, ҳар йили 200 миллион түп дарахт экиб бориш ва республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, бюджет маблағлари ҳисобидан экиладиган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш ва сўғориш тизимини яратиш каби чоратadbирлар назарда тутилган.

Яна бир муҳим масала. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга ошириш ҳам алоҳида мақсадлар қаторидан ўрин олган. Умуман, мазкур йўналиш кенг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилди, десак муболаға бўлмайди. Чунки экологик муаммолар йил сайин чуқурлашиб бормоқда.

Тўртинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этишни назарда тутди. Мазкур йўналишда ҳам фундаментал ислохот-

Сингапур тараққиёти асосчиси Ли Куан Ю “Ижтимоий сиёсатимиз одамларни ўз ишларида энг юқори натижаларга эришишга ундайди”, деган эди. Бунинг замирида фарзандларни ота-оналарининг масъулиятсиз хатти-ҳаракатини такрорлашдан асрашга бўлган катта ижтимоий-сиёсий ирода борлигини шаҳар-давлат ривожланиш йўлини таҳлилий ўрганган ҳар бир киши сезиши қийин эмас.



**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати замирида ҳам фуқароларни катта-катта мақсадлар сари руҳлантириш мақсади жамланган. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослар ҳозирланган ва бу жараён тизимли давом этмоқда. Жумладан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми белгиланди. Бундан ташқари, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган.

ҚИРҚ ТЎРТ МАҚСАДДА ЖАМЛАНГАН САЛОҲИЯТ ФОРМУЛАСИ

Шу кунларда яна бир муҳим ривожланиш палласидамиз. Тегишли платформаларда Президентнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳалари муҳокамада бўлиб турибди.

Албатта, бу лойиҳаларга халқимиз алоҳида қизиқиш билан қарамоқда. Буни муҳокамага келиб тушадиган таклифлардан ҳам билиш мумкин. Чунки халқимизнинг ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари инобатга олинишига ишончи ортган.

Биз бугун “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг биринчи — **ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш** деб номланган ва **44 мақсадни** ўз ичига олган йўналишда кўзда тутилган таълим тизими ислохотлари моҳияти ҳақида тўхталмоқчимиз. Зеро, бугунги глобаллашув даврида таълим масаласи барчамиз учун ниҳоятда муҳим ва аҳамиятлидир.

Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш мақсадида 2030 йилгача болаларнинг мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан қамров даражасини **100 фоизга етказиш** марраси кўзланмоқда.

Эътибор бериш, бу ерда 100 фоизлик кўрсаткич ҳақида гап кетмоқда. Яқин йилларгача биз шундай бўлиши мумкинлигини ҳақида ёрут тасаввурга эга эмасдик. Чунки ҳаётдаги реал манзаралар ва мактабгача таълим тизимидagi ҳолат кўп нарсаларни орзу қилишга ҳам йўл қўймади.

Бу дунёда ота-она борки, фарзандини ҳар томонлама соғлом, ҳеч қимдан кам қилмасдан, эсли-хушли қилиб вояга етказишни орзу қилади. Шу орзунинг энг бошида эса фарзандини бочага бериш масаласи туради. Энди бир ўйлаб кўринг, агар биз мактабгача ёшдаги барча фарзандларимизни боча таълими билан қамраб олсак, юртимиздаги барча ота-оналарнинг катта бир орзуси рўёбга чиқишига эришамиз. Ва бу, ўз навбатида, жамиятда кўтаринки кайфият ва ҳаётдан розилик муҳи-

вий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминланишнинг ўзидек соғлом авлод тарбиясида қанчалик муҳим эканини бугунги шароитда англашимиз гоят муҳим. Чунки иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳитнинг бугунги таҳликали ҳолати таъсирда кейинги йилларда янги инфекциялар тарқалаётгани, давоси мушкул бўлган касалликлар энди ёшларда ҳам учраётгани ҳеч қимга сир эмас.

Шундай вазиятда куннинг ярмини, баъзан асосий қисмини таълим муассасаларида ўтказадиган фарзандларимиз саломатлиги мактабда ҳам эътиборга олинишини давлатимизнинг ёш авлодга ниҳоятда катта ғамхўрлиги сифатида қабул қиламиз.

Яна бир муҳим мақсад — **педагог кадрлар мақоми-ни ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш** ҳам замон талаби сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Бунинг учун минг нафар тарбиячи ва ўқитувчини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув юкларини 16 соат, юқори синф ўқитувчиларига эса 18 соат этиб белгилаш, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимлари иш ҳақини 2 баробар ошириш, мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг 500 минг ходими малакасини узлуксиз ошириб бориш режалаштирилмоқда.

Энди ўйлаб кўринг, хорижда малака ошириб қайтган, ўқув юкларини қамайган, ўш ҳақи сезиларли ошган ўқитувчининг дунёқараш, ўз касбига, таълим тизими-га, ўқувчиларига муносабати қанчалик ижобий томонга ўзгаради. Бу билан таълим сифати ва самарадорлиги ортб бораверади.

Умуман олганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси биринчи йўналишидаги 44 мақсадни амалга ошириш жамиятда юксак салоҳият формуласига асос бўлиши кутилмоқда. Бу формуланинг ҳаётийлиги шундаки, фарзанд туғилиши ва унинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши билан шаклланган мукамиллик муҳити жамиятимизнинг янги кўтаринки қиёфасига асос бўлади. Шу тариқа, биз кўзлаган Учинчи Ренессанс ҳодисасига ишончли ва асосли замин яратилади.

ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА ОРТДА ҚОЛЯПМИЗ? УЛАРНИ АНИҚ МАҚСАДЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД АЙРИМ ФИКРЛАР



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Фурқат ЮНУСОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлим бошлиғи**

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадлари қўйилган. Уларнинг барчаси тўғридан-тўғри аҳоли даромадини оширишга боғлиқ бўлмаслиги мумкин, аммо қайсидир жиҳати билан шу мақсадга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Масалан, ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробар ошириш ва шу орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4000 долларга етказиш мақсадини олайлик. Бу борадаги лойиҳалар иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга туртки бўлади. Пировадиди, аҳоли фаровонлигини оширишга замин яратди.

Яна бир муҳим мақсад — мамлакатда

ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш. Бу борадаги лойиҳалар орқали мамлакатимизга инвестицияларни кўпроқ жалб этиш имконияти яратилади. Замонавий механизмлар тақомиллаштирилиши натижасида хорижий инвесторларнинг юртимизга қизиқиши ҳам ортб боради.



Йиллик ўртача ўсишни 6-7 фоиз даражада сақлаб туриш, инфляцияни 5-6 фоиздан оширмаслигини таъминлаш ҳам

кўзда тутилган. Бу имкониятлар иқтисодиёт ўсишига таъсир кўрсатади. Шу орқали тадбиркорлар ва инвесторларнинг эркин фаолият юритиши таъминланади.

Инвестицияларни фаол жалб қилиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, юқори натижаларга эришилляпти. “Ўзбекистон — 2030” лойиҳасида бу жабҳадagi ишларни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусан, келгуси етти йилда умумий миқдорда 250 миллиард долларлик инвестиция жалб қилиш мўлжалланган.

Ушбу ҳужжатда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар белгилангани ҳам бежиз эмас. Зеро, ушбу тармоқ ривожни мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омиллардан бири. Аммо мамлакатимизда фонд бозори ҳалигача яхши ривожланмаган. Таҳлилчилар фикрича, ялпи

ички маҳсулотга нисбатан тахминан 0,1 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, бу тармоқ ривожланган давлатларда катта улушга эга. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали инвестициялар оқимини кучайтириш устувор вазифамиз саналади.

Иқтисодиётда “инвестиция портфели” деган тушунча бор. Бу мамлакатдаги катта-катта компаниялар акцияларини хориждан туриб сотиб олиш орқали мулкдор бўлишни хоҳлайдиган инвесторларга кенг йўл очиши мумкин. Лойиҳада белгиланган вазифалар ўз вақтида ижро этилиши бу йўналишда муҳим истиқболларни очди, деб умид қилса бўлади.

Ҳар бир инсон ҳалол меҳнати ортдан яхши даромад олишни, фаровон ҳаёт кечирishi, фарзандларига арзирли мерос қолдиришни орзу қилади. Сўнги йиллардаги иқтисодий ислохотлар халқимизнинг бу орзularи ушалиши учун қулай имконият яратмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги ислохотлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, ўрта синф ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун қулай шароит яратмоқда. “Халқ IPO”-си деган тушунча ҳам ана шундай ислохотлар махсули сифатида юзага чиқди. Энди давлат улуши юқори бўлган саноат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида мулкдор сифатида улуш киритиш мумкин бўлади. Бу

халқимиз мулкдор бўлишига, юртимиз ривожини учун инвестиция киритишига имкон беради. Лойиҳада бу борадаги ишларни янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар акс этгани аини мундоқдир.

Бундан ташқари, давлат мулкни хусусийлаштиришда маҳаллий инвесторларга ҳам хорижий инвесторларга берилганидан кам бўлмаган имтиёз тақдим этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий IT ҳабга айлантириш ҳам ислохотларнинг устувор йўналишидир. Бу жабҳада қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти, IT парклар қуриляпти ва табиийки, иқтисодиёт ривожига катта туртки бўляпти. Келгусида бу ишлар ҳам ривожлантирилади, мавжуд инфратузилмалар тақомиллашади. Бундан ташқари, IT соҳада таълим сифати юксалтириш, “мактаб — OTM — IT” бирлигини иборат хизматлар жанжини яратиш кўзда тутиляпти. Юртимизнинг турли ҳудудларида аҳоли пунктларини интернет билан қамраб олиш, тезлигини ошириш чоралари қурилади. Бу нафақат рақамли иқтисодиёт, балки барча соҳалар ривожини назарда тутди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган ҳудди шундай ҳуқуқбузарликлар учун (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 2-қисми) фуқароларга БҲМнинг 15 дан 25 баробаригача миқдорда жарима белгиланган (аввал 10 дан 20 баробаргача эди). Мансабдор шахсларга қўлланиладиган жарима миқдори эса маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилган ҳолда, БҲМнинг 25 дан 35 баробаригача (олдин 20 дан 30 баробаргача)ни ташкил этади.

Бундан ташқари, ушбу қоидабузарлик учун жазолар қаторига 15 суткагача бўлган муддатга маъмурий қамоқни қўшиш режалаштирилган.

Хужжатда, шунингдек, дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесишга, кундаков қилишга, шикастантиришга ёки йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа хужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик ҳам киритилган (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 4-қисми жарима мансабдор шахсларга нисбатан БҲМнинг 15 баробаридан 25 баробаригача).

Бунга дунё мамлакатлари ҳуқуқий тажрибаси мисолида ҳам назар ташлаш мумкин.

АҚШда берухсат дарахт кесганлик учун жарима миқдори 500 доллардан 10 минг долларгача белгиланган. Айрим ҳолларда ва баъзи штатларда энг катта жарима миқдори 100 минг долларни ташкил этади.

Буюк Британияда 2023 йилгача ўрмонларни берухсат кесганлик учун белгиланган жарима миқдори бир дарахт танаси (поясни) учун 2,5 минг фунтни ёки қўлга киритилган ёғоч-тахта қийматининг икки баробари миқдорига жарима тўларди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга 2023 йил 1 январдан кучга кирган ўзгаришларга кўра, дарахтни ноқонуний кесган шахс кўчат экиб, уни 10 йил давомида парваришласи лозим. Йўқ қилинган дарахтзорларни қайта тиклаш бўйича суд қарорини бажаришдан бош тортигларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши мумкин.

Францияда Шаҳарсозлик кодексига бино қуриш вақтида дарахтларни кесганлик учун ҳуқуқбузарлар қўрилиш билан банд қилинган майдоннинг ҳар бир квадрат метри учун 6 минг евродан жарима тўлаши лозимлиги қайд этилган. Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда эса 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Ўрмондаги диаметри 20 сантиметрдан кам бўлмаган дарахтни ўзбошимчилик билан кесиш уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 45 минг евро миқдорига жарима билан жазоланади.

Германияда ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 32,7 фоизини ташкил этсада, ўзбошимчилик билан дарахтларга зарар етказганлик ёки уларни кесганлик учун жарима миқдори ҳар бир федерал ер томонидан алоҳида белгиланади. Қўлланиладиган қонунчилик ва кесилган дарахт турига қараб, жарима суммаси 50 минг евродан 100 минг еврогача фарқланиши мумкин. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича федерал қонунга кўра, март ойидан октябрга ойигача қадар дарахт кесиш тақиқланган. Шохларига қушлар ин қурган ёки бошқа жониворлар яшайдиган дарахтларни кесиш эса қатъиян тақиқланган.

Саудия Арабистонининг Экологик қонунчилигига мувофиқ, дарахтларни



БУГУННИНГ ГАПИ

ДАРАХТЛАР ЭГАСИЗ ЭМАС ПРЕЗИДЕНТ РАД ЭТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН МУЛОҲАЗАЛАР



ноқонуний кесганлик, кундаков қилиб тозалаганлик ёки кўчириб ўтказганлик, шохларини кесганлик, илдизини олиб ташлаганлик учун 30 миллион риал (салкам 8 миллион АҚШ доллари)гача жарима ёки 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда сайёрамиздаги ўрмонларнинг умумий майдони 38 миллион квадрат километрни, яъни қуруқликнинг учдан бир қисmini ташкил этиб, унинг атиги 13 фоизи муҳофаза этиладиган ҳудудлар тоифасига киради. Бироқ ҳар куни бу майдонлар муттасил камайиб ва ҳар сонияда Ер юзи 1,5 гектардан ортиқ табиий дарахтзорни йўқотмоқда. **Ҳукуматларнинг дарахт ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатларига қарамай, инсоният ҳар йили 15–18 миллион гектар ўрмонни йўқ қилмоқда.**

Мамлакатимизда эса бу ҳолат Ер юзидаги ўртача кўрсаткичдан-да ёмонроқ. Айни кунда яшил майдонлар юртимиз ҳудудининг ўн фоизига ҳам етмаган бир пайтда 2020 йили 7 минг 812 та (шундан 3 минг 428 таси қимматбаҳо турларга мансуб), 2021 йилда 8 минг 243 та (4 минг 182 таси қимматбаҳо турларга мансуб), 2022 йилда эса 4 минг 599 та дарахт ноқонуний кесилган.

Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ўтган йили айбдорларга нисбатан 7,3 миллиард сўм маъмурий жарима қўлланилган ва табиатга зарар 10 миллиард сўм миқдорига белгиланган. Шу жумладан, 1 минг 777 туп қимматбаҳо ва кўп йиллик дарахтлар кесилган. Вазият таҳлил этилганда, қурилиш объекти атрофини ўраб олиш натижасида дарахтларнинг қаровсиз қолиши, шикастланиши ва

нобуд бўлиши ҳолатлари содир этилаётгани аниқланган. Республика бўйича 500 дан ортиқ қурилиш объекти атрофи ўраб олинган бўлиб, уларда 24 мингга яқин дарахт тақдирини хавф остида қолмоқда.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлигининг хабарига қараганда, **2023 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда дарахт ва буталарни ноқонуний кесиш билан боғлиқ 2 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Ўсимлик дунёсига етказилган зарарнинг умумий миқдори 3,6 миллиард сўмни ташкил этмоқда.** Мазкур ҳолатлар бўйича 7 та жиноят ва 2 минг 55 та маъмурий иш қўзғатилиб, 1,7 миллиард сўмлик зарар ундирилган.

“

Тегишли ҳудудлар раҳбарларига қаровсиз қолган 10 миллион туп дарахт ўрнига яна шунча кўчатни сув таъминоти яхши бўлган ҳудудларга экиш топширилди. Бундан буён кўчат экиш тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастури асосида амалга оширилиши белгиланди. Бу мақсадлар учун ҳар йили аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп — 500 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, ўрмон ҳўжаликларининг 1,5 минг гектар ер майдонларида касаначилик асосида кўчат етиштириш йўлга қўйилади. Бу орқали камида 10 минг аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳар бир кўчатни қафолатли сотиб олиш тизими яратилади.

яшашда уларнинг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун азалдан оилада фарзанд дунёга келса, тўй-тантана, туғилган кун маросимларида эзгу тилаклар билан ниҳоллар экилган.

— Мазкур анъана бугунги кунда янгича мазмун ва кўлам билан бойиб борапти, — дейди Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси мутахассиси Дилрабо Бобоева. — Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда “Яшил макон” умумимиллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳар йили 200 миллион



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



Феруза ЖўРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ин-витро, микроклонли кўпайтириш, ўсимликлар генетикаси... Мазкур йўналишлар бутун биотехнология соҳаси етакчилари. Олимлар ҳам бу борада лойиҳалар асосида кишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиёт ҳамда саноатнинг турли йўналишлари учун фойда келтириш йўллариин излаяпти.

Шулардан энг афзали ва дунё кўчатчилигида машҳури ин-витро усулидир. Мазкур атама “шиша ичида” маъносини англатишидан маълумки, ўсимликлар махсус идишларда етиштирилади. Унинг анъанавий кўчатчиликдан фарқи нимада? Келинг, дастлаб ушбу саволга жавоб излаб кўраймиз.

Анъанавий кўчатчиликда йилнинг муайян давридагина кўчат тайёрлаш мумкин. Шу билан бирга, уруғ экиш, унинг униб чиқиши-ю ҳосилга кириши учун анчагина вақт талаб этилади. Бунинг устига, ўсимлик уруғ олинган асос билан бир хил ҳосил бермаслиги мумкин. Ин-витро лабораторияларида эса йилнинг истал-

ШАФФОФ ИДИШДАГИ ДАРОМАД

ган вақтида ҳосилдорлиги қафолатланган ўсимликни парваришласа бўлади. Бу биотехнологиялар йўналишида катта ютуқ. Шу жиҳатдан мазкур усулнинг имкониятлари юқори ва бу борада юртимизда муайян ишлар қилинмоқда.

Битта шохчадан 10 мингтагача кўчат

Инновацион ҳудуд сифатида танлаб олинган Марҳамат туманида илм-фан ютуқлари ҳамда маҳаллий олимларнинг янги ишланма ва ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани яхши самара бермоқда. Хусусан, “Ипак кўчат кластер” фермер ҳўжалиги базасида республикаимизда ягона бўлган тутчилик йўналишидаги ин-витро лабораторияси ишга туширилган.

Ипак қурти озуқа базасини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, шу орқали юқори ҳосил етиштиришни кўзда тутуви лойиҳа натижасида янги тут нави маҳаллий ипак қурти боқувчиларга етказиб берилмоқда.

— Замонавий биотехнологиялар ёрдамида 1 та шохчадан бир ой давомида 10 мингтагача кўчат етиштириш мумкин, — дейди лойиҳа раҳбари Абдулатто Мусурмонқулов. — Бунда ўсимлик ва

хужайраларнинг муҳим формалари ажратиб олинади. Натижада кўчат етиштириш жараёни тезлашади. Ин-витро лабораториялари замонавий геномика ва биоинформатика, биотехнология усулларида фойдаланиб, қимматли генлар ҳамда оқсиллар тузилишини ўрганиш, илмий изланиш қилиш имконини беради. Анъанавий йўллар билан қийин кўпаядиган ўсимлик кўчатини тайёрлаш нисбатан осонлашади.

“Ипак кўчат кластер” лабораториясида етиштирилган кўчатлар хорижникига нисбатан бир неча баробар арзон. Яна бир жиҳати, четдан олиб келинадиган тут кўчати фақат дурагай бўлиб, униб кетиши қафолатланмаган. Кластер ҳузурига кўчатнинг илдиз олиши, тупроқ шароитига мослашиши учун махсус иссиқхона барпо этилгани бу борадаги ишонччи янада оширади.

Ҳосил 1,5-2 баробар кўпаяди

— Зарур шароитлар яратилган лабораторияда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан нав тозаллиги қафолатланади, — дейди А.Мусурмонқулов. — Шу омиллар ту- файли “Ўзбекистон дурагайи”, “Hybrid Uzbekistan”, “Марҳамат-1” каби серхосил тут навлари яратилди. Бугунги кунда

мамлакатимиз ипакчилиги озуқа база- си, асосан, ўртача ҳосил берувчи, эркин чангланган дурагай тутлардан иборат, яхши навли тут нисбатан оз. Мазкур ла- бораторияда эса 6 ойда 100 мингдан 130 минг тупгача шундай тут кўчати тайёрлаш имконияти мавжуд. Бир гектар тутзордан олинадиган барг ҳосили хашаки ва дура- гай тутларникига нисбатан 1,5-2 баробар юқори бўлади. Муҳими, давлат реестрига киритилган, турли ҳудудларда кўпайти- ришга мўлжалланган навдор ва касал- ликлардан холи кўчат ўзимизда етиш- тириляпти. Тайёр кўчат қуртимизда ипак қурти озуқа базаси сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлиқни оширишда муҳим омил бўлмоқда. Аслида, лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам шу эди.

Кўчатчилик кластери қўшни давлат- ларга маҳсулот экспорт қилишни бош- лаган. Хусусан, ўтган йилда “Hybrid Uzbekistan” навли тут кўчатлари Қозо- қистонга етказиб берилган эди. Жорий

дарахт ва бута кўчатларини ўтказиш вазифаси белгиланган. Бунинг натижа- сида мамлакатимиздаги ўрмонлар май- дони амалдаги 8,6 фоиздан 30 фоиз- гача оширилиши режалаштирилган. **2022 йил январидан дарахтларнинг ке- сирилишига қарши мuddатсиз мораторий эълон қилинган.**

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан Ўрмон ҳўжалиги илмий- тадқиқот институти томонидан қўка- ламзорлаштириш, ободонлаштиришда ишлатиладиган манзарали дарахт ҳам- да бута кўчатларининг худудлар бўйи- ча тавсия этилган турлари, кўчатларни экиш, парваришлаш, зараркунанда ҳам- да касалликларга қарши кураш чорала- ри тўғрисидаги тавсиянома ишлаб чиқи- либ, тасдиқланган.

Шунингдек, экилиши белгиланган кў- чатларни етказиб бериш бўйича аниқ ҳи- соб-китоб қилиниб, кўчатчилик фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан 75,8

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда тавсия этиш му- ҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда давлат ўрмон фондида қирмайдиган ерлар- да дарахт ва буталардан фойдаланиш тартибини янада тақомиллаштириш, республикаимизнинг иқлим ва тупроқ ша- роитларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ўрмон фондида қирмайдиган худудлар- даги аҳоли манзилларида манзарали дарахт ва буталарни экиш, парвариш- лаш, кесиш масалаларини қамраб олган тавсиянома ҳам ишлаб чиқилган. Бу эса кўчат етиштирувчи қорхона ва хусусий ташиқлотларга қўкаламзорлаштириш ишларини сифатли амалга ошириш учун арзон, маҳаллий шароитларга мосла- шувчан, эстетик завқ ва стандарт талаб- ларга жавоб берувчи манзарали дарахт- лар кўчатини кўпайтиришда кўл келади.

Лекин “гуруч қурмакисиз бўлмайди”, деганларидек, бу борада турли салбий ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бунга доир ра- қамлар шу йил июль ойи бошида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг нав- батдаги мажлисида экология, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўз- гариши вазири Азиз Абдуҳақимовнинг “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган иш- лар юзасидан ахборотида келтирил- ди. Яъни **2022 йилда республикаимиз- да экилган аниқ миллиондан ортиқ кўчат ҳисоботга “экилди”, деб қўшиб ёзилган. сўғориб бўлмайдиган жой- ларга 7,3 миллион туп ниҳол ўтказил- ган, экилган 1,8 миллион туп кўчатни сақлаш ва парваришлаш учун тегишли масъуллар белгиланмаган.**

Кўчатлар экилгани ҳаққонийлиги тек- ширилганда айрим раҳбарлар томони- дан бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган.

Шундан сўнг Бош прокуратура йўл қў- йилган камчиликлар юзасидан ўрганиш ишларини бошлаган. Маълумотларга қараганда, ўз вазифасини бажаришга масъулиятсизлик билан қараган 29 на- фар маҳаллий давлат ҳокимияти ор- ганлари ва идоралар раҳбарларининг қонунчиликда белгиланган тартибда жа- вобгарлик масаласи ҳал этилмақда.

Президентимиз Бухоро шаҳрида шу йил 11 август куни бўлиб ўтган видео- селектор йигилишида “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида амал- га оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Йигилишда қайд эти- лишича, барча худудларда қўкаламзор- лаштириш даражасини 30 фоизга еткази- ш бўйича катта дастур қабул қилинган. Бунинг учун ҳар бир вилоят бораҳ ва куз мавсумида 15 миллион туп дарахт кў- чати экиш, барча шаҳарлар атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил қилиши зарур.

Лекин айрим раҳбарлар бу ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани танқид қилин- ди. Масалан, кўчатлар сўғориш тизими йўқ худудларга экилгани сабаб 10 миллион ниҳол нобуд бўлган. Йўллар бўйига дарахт кўчатлари экиш ишлари 33 та ту- маъ ва шаҳарда умуман бажарилмаган.

Ўз ҳудудида экологик вазиятни яхши- лаш, аҳолига қулай яшаш ва тоза ҳаво муҳитини яратиш эдиликда ҳокимлар- нинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиши таъкидланди.

Тегишли ҳудудлар раҳбарларига қаровсиз қолган 10 миллион туп дарахт ўрнига яна шунча кўчатни сув таъминоти яхши бўлган худудларга экиш топширил- ди. Бундан буён кўчат экиш тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастури асосида амалга оширилиши белгиланди. Бу мақсадлар учун ҳар йили аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп — 500 миллиард сўм йўналтирила- ди. Шунингдек, ўрмон ҳўжаликларининг 1,5 минг гектар ер майдонларида каса- начилик асосида кўчат етиштириш йўл- га қўйилади. Бу орқали камида 10 минг аҳоли бандлиги таъминланиб, ҳар бир кўчатни қафолатли сотиб олиш тизими яратилади.

кўчат етиштириш йўлга қўйилган. Ҳо- зир лабораторияда, асосан, шафтоли, олхўри, ўрик ва нок илдизпоялари, узум, ёнғоқ, pista, киви ва манзарали ўсимликлар кўчатлари тайёрланыпти. Ўсимлик етиштиришнинг барча тур- лари клонал тарзда амалга оширил- моқда. Йилига 5 миллион туп кўчат тайёрлаш қувватига эга қорхонада 65 киши иш билан таъминланган.

— Хоразм вилояти мевали боғлар бар- по этиш учун жуда катта имкониятга эга, — дейди Инновацион ривожланиш агент- лиги Хоразм вилояти худудий бошқарма- си бошлиғи Ойбек Отамуродов. — Ёштиёж хориждан олиб келинган кўчатлар ҳисоби- га қопланса, ўз-ўзидан қатор муаммолар юзага келади. Чунки бунда кўчатлар би- лан бирга касаллик ва зараркунандалар кириб келиши, йўлда яроқсиз бўлиб қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Маҳаллий лабо- ратория мана шундай муаммоларга ечим бўлди.

“Bene Fruits” МЧЖ жамоаси “Нукус ёшлар технопарки” МЧЖ билан “Орол денгизининг мелиоратив ҳолати ва ўсти- риладиган ўсимликлар популяциясини аниқлаш” лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Яъни Орол денги- зининг қуриган тубига экиладиган шўрга чидамли қапарни, мененгис, лаванда, гле- диция, папаяма каби ўсимликлар уруғлари лабораторияда ундирилиб, кўчат ҳолида етказиб берилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда дунё бозоридида биотехнологиялар соҳасида- ги хизматлар қиймати 859,94 миллиард АҚШ долларига баҳоланган. 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 1,7 триллион доллар- га етиши кутилмоқда. Ангиланадики, соҳа — сердаромад. Унинг ривожини учун амал- га оширилаётган ишлар ўз самарасини бермай қолмапти.

Қафолатланган нав қандай яратилади?

Хоразм вилояти Урганч иннова- циян туманида ташкил этилган “Bene Fruits” МЧЖда ҳам интенсив усулда



ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

ДАРСЛИКЛАР ЯНГИДАН ТАЙЁРЛАНДИ



Бошланиши 1-бетда

Бу ўзгаришлар янада самарали, замонавий ва ўқувчига йўналтирилган таълим муҳитини яратишдан умид қилиб туримиз. Чунки бу мактаб ўқувчиларининг шахсий фазилатларини ривожлантириш, чуқур билим ва кўникмаларни эгаллаши учун самарали йўл бўлиб қўриняпти.

— Янги дарсликларнинг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати нимада? Қайси хорижий тажриба ва моделга асосланиб яратилган?

— Янги дарсликлар методикаси 4К моделига асосланган. Бу методология болаларнинг ривожланишига қаратилган бўлиб, коллаборация, коммуникативлик, креатив ва танқидий фикрлаш каби асосий компетенцияларни қамраб олади.

Ушбу компетенциялар асосидан тасаввур этиш, ғояларни илгари суриш, далиллар келтириш, маълумот етишмаслигини таъкидлаш ва излаш, ўз ғояларини шакллантириш ва бошқаларнинг ғояларини ривожлантириш, таҳмин ва мулоҳазаларини баҳолай олиш, гуруҳ мақсадларини қабул қилиш ва умумий натижани баҳолаш кабилар ўрин олади. Улар мактаб ўқувчиларига мустақил ўқиш ва бошқалар билан биргаликда тадқиқот олиб бориш, ўзини кўрсатишга имкон беради. Ушбу муҳим компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беришни истасак, ўқув жараёнини болалар учун қизиқarli ва фойдали тарзда ташкиллаштиришимиз керак. Мактабдаги ҳар бир дарс ўқувчилар фақат фан мазмунини ўзлаштирадиган эмас, балки мустақил билим оладиган ва қобилиятини мустақил ривожлантирадиган жараёндир.

Энди ҳар бирага алоҳида тўхталиб ўта-миз.

Коллаборация ўқувчиларнинг бирор мақсадга эришиш учун жамоада ишлаш кўникмасидир. Бу орқали ўқувчиларда ҳамкорлик қилиш, самарали фикр алмашиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш ўргатилади. Шу тариқа ўқувчиларнинг жамоада ишлаш қобилияти ривожлантирилади.

Бирор масалани ҳал қилишда жамоавий ҳамкорлик асосида фикр билдириш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тушуниш муҳим роль ўйнайди. Дарсликлардаги мазмун айнаман мана шу 4К моделининг биринчи жиҳати — коллаборацияга асосланган ҳолда берилган. Кўпгина топшириқларни бажаришда ўқувчилар жамоавий фикрлаб, хулоса чиқариши мумкин.

Коммуникативлик ўқувчиларнинг бошқалар билан мулоқотга киришиш қобилиятини аниқлатади. Янги дарсликлар ёрдамида болалар фикрлари аниқ-равшан ифодалаш, суҳбатдошони тинглаш, тушуниш, маълумотни етказишда тил воситаларидан унумли фойдаланишни ўрганади. Шунингдек, ўринли савол бериш, фикрларни аниқ-таниқ ифодалай олиш, мулоҳазасини тўғри талқин этиш ва ҳимоя қилиш ҳам муҳим.

Креатив фикрлаш ижодий тафаккур ва янгилик қилиш қобилиятини билдиради. Ўқувчилар мақсадида эришиш учун янги ёндашувларни қўллашни ўрганади. Инновацион ечимларни ишлаб чиқади ва ижодий муаммоларни ҳал қилиш кўникмасига эга бўлади. Масалан, болалар креатив ёндашиб, дарсликлардан ўрин олган топшириқларни ностандарт усулда ҳал этиш кўникмасини шакллантиради.

Танқидий фикрлаш ўқувчиларнинг афборотни танқидий баҳолаш, шахсий фикр-мулоҳазаларни шакллантириш кўникмасидир. Болалар муаммоларга таҳлилий нуқтаи назардан ёндашишни ўрганади. Мантиқий фикрлаш асосида нуқтаи назарини шакллантиради.

Дарсликларда статистик маълумотларни синтез, анализ қилиб, ахборот тўғри ёки нотўғри берилаётганини аниқлаш, айнан танқидий фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Яъни қайсидир маълумот нотўғри талқин этилаётганини аниқлаб олиш қобилиятини ривожлантириш кўзда тутилган.

— Ҳар бир янги дарслик замонавий дизайн тенденцияларига мувофиқ бўлиши шарт. Бу нафақат жозибали визуал муҳит яратяди, балки материални самарали ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан, дарсликларда қандай янгиликлар кузатилди?

— Китоблар мутлақо бошқача дизайнда яратилган. Бунда болаларнинг ёши ҳисобга олинган. Ишлатилган графика, ранглар палитрасидан тортиб, тасвирлар, образлар, фото, портретлар барчаси илмий ёндашув, болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилган. Янги дарсликлардан ранг-баранг иллюстрациялар ўрин эгаллаган. Улар нафақат ўрганиш жараёнини қизиқarli қилади, балки мазмунларни яхшироқ тушуниш ва тасаввур этишга ёрдам беради.

Дарсликларни тайёрлашда вазни ҳам эътибордан четда қолмади. Китобларнинг қалинлиги, ўқувчининг ёшига мослиги, боланинг физиологик ҳолати ҳисобга олинган. Дарсликларда қалинлик ва оғирликнинг оп-

чининг бошқа кўшимча методик қўлланмалар, топшириқларга мурожаат қилишига зарурат қолмайди. Дарсликнинг ўзида бу масала келтирилган.

Дарсликлар таълим узвийлиги принципи асосида ишлаб чиқилган. Бошча, мактабга-ча таълим ташкилотларида берилган дастлабки билимлар узвийлиги таъминланган. Дифференциал ёндашувга эга дарсликлар индивидуал таълим учун ноёб имконият. Ушбу дарсликлар асосида яратилган методика ўқувчиларнинг ўрганиш суръати ва услублари турличалигини ҳисобга олади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи ўз суръатида ривожланиши, ўз тушунчасини чуқурлаштириши ва ўқув вазифаларини муваффақиятли бажариши мумкин. Ушбу ёндашув тўсиқларни олиб ташлаш ва ҳар бир бола учун қулай таълим муҳитини яратиш, унинг муваффақиятга эришиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига имкон беради.

— Янги дарсликлар асосида сифатли дарс ўтқиш учун педагоглар малакасини ошириш жараёни қандай кечяпти?

— Дарсликни ўқувчига етказишда ўқитувчи, шубҳасиз, асосий роль ўйнайди. Агар педагогни бунга тайёрламасак, у маълумот, билимни ўқувчига етказолмас, дарслик қанчалик мукаммал яратилган бўлмасин, ундаги билимни ўзлаштириш, таълим сифати биз кутган натижани бермаслиги мумкин. Шунини кўзда тутиб, шу йил 14-17 август кун-



тимал комбинацияси мавжуд бўлиб, бу, айниқса, кичик ёшдаги ўқувчилар учун ташиш ва ишлатиш жараёнини осонлаштиради.

Илгари маълумот манбаи асосан, дарслик бўлган. Ҳозир интернет ривожлангани тубайли қўллаб маълумот манбалари ву-жудга келди. Янги дарсликларнинг бошқа манбалардан афзаллиги ўқувчи китоб билан юзма-юз мулоқот қила олади. Дарслик ўқувчининг эмоционал интеллектдан келиб чиққан ҳолда, ёшига мос равишда у билан ўзининг тилида суҳбатлашади. Бола персонажлар билан 1-синфдан бошлаб 4-синфгача бирага улғаяди. Керак бўлса, фикрлашади, мусобақалашади. Ҳамкорликда қайсидир масалаларни ҳал қилади. Бу персонажлар ўқувчиларни ҳамжиҳат ишлашга ўргатади.

Дарсликларда бош қаҳрамон сифатида 6 персонаж — 3 ўғил ва 3 қиз тасвирланган. Улар бутун ўқув жараёнида ўқувчига ҳамроҳ бўлиб, синфдан-синфга, дарсликдан-дарсликка бирага кўчади, дустлик ва яқинлик ҳиссини пайдо қилади. Бош қаҳрамонлар орасида ҳар икки жинс вакиллари-нинг намоён бўлиши ўқувчиларнинг гендер хилма-хиллигига ҳурмат кўрсатиш, ўзини тенг ва ҳурматли ҳис қиладиган ўқув муҳитини яратишга ёрдам беради.

Янги ўқув қўлланмаларда битирувчининг муносиб портрети, таълим муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу дарсликлар ҳар бир ўқувчининг муваффақиятли ижтимоий-лашуви, узлуқсиз касбий ўсиши ва баркамол ривожланиши учун зарур бўлган асосий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Шу билан бира, дарсликдаги топшириқлар ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим концепциясидан келиб чиққан ҳолда болаларнинг билими, ўзлаштириш даражасига мослаштирилган. Яъни топшириқлар осондан мураккабга қараб боради. Бу ерда фанни ўзлаштириш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқувчига алоҳида топшириқ бериш мумкин. Ўқитув-

лари Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази, Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Абдулла Авлоний номидаги миллий тадқиқот инсти-тутти ҳамкорлигида “Бошлангич синфларда ўқитишнинг замонавий методикаси” мавзу-сида бошлангич синф ўқитувчилари учун малака ошириш курси ташкил этилди.

Курсда юртимизнинг барча ҳудудидан тақлиф этилган 300 дан ортиқ илгор педагог ва методистлар ҳудудий тренер сифатида малака оширмоқда. Айнан улар жойлар-да янги дарсликлар билан ишлаш бўйича ўқитувчиларни замонавий каскад усулида тайёрлайди. Тўрт кунлик курсда бошлангич синфларда фанларни ўқитиш методикаси, ўқувчилар натижаларини баҳолаш, фанлар-аро интеграцияни таъминлаш каби мазму-ларда машғулотлар ташкил этилади.

Янги дарсликлар XXI аср кўникмалари-ни шакллантиришда 4К моделини қўллаш орқали ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув, жамоада ишлаш ва му-лоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Курс давомида тренерлар ўқитишнинг 4К модели ва уни бошлангич синфларда қўллаш, ўқувчиларда ҳаётий кўникмалар-ни шакллантиришнинг педагогик ечимлари бўйича машғулотларда ҳам иштирок этиб, тажриба оширмоқда.

Курсни муваффақиятли تامомлаган ҳу-дудий тренерлар кўмағида каскад усулида шундай ўқувлар ташкил этиш, бошлангич таълим бўйича мактаб методик бирлашма-си раҳбарлари, бошлангич синф ўқитувчи-ларига янги дарсликлардан фойдаланиши-ни ўргатиш кўзда тутилган.

Шу билан бира, педагогика йўналиши-даги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган бўлажак мутахассисларга ҳам бу дарсликлар асосида дарс бериш усуллари сингдириб борилади.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.**



НУКТАИ НАЗАР

ТИЛ БИЛИШ, СЕРТИФИКАТ ВА ДАРАЖА

Чет тили ўқитувчиларини тайёрлашга ихтисослашган университетлар юқори малакали битирувчиларни меҳнат бозорига етказиб бермоқда. Шунга қарамай, амалда ҳали ҳам битирувчиларни тайёрлашда муайян қийинчиликларга дуч келямиз. Бу ҳолатга таъсир қилиши мумкин бўлган бир қанча омиллар мавжуд.

Нозлия НОРМУРОВА,
филология фанлари
доктори



Ўзбекистонда чет тили бўйича тажрибали ва малакали ўқитувчилар етишмаслиги тил таълими сифатини пасайтирмоқда. Грамматика ва эс-лаб қолишда ифодаланадиган ани-анавий ўқитиш усуллари самарали мулоқотга ёрдам бермайди. Ушбу муаммони ҳал қилишда тил ўқитув-чилари учун илгор тажрибалар, тил ўргатишга йўналтирилган кучли ме-тодик билимлар ва жонли мулоқот муҳитида фойдаланишга қаратил-ган таълим дастурларига сармоя ки-ритиш зарур.

Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги ҳудудлардаги ўқитувчи-лар учун белул ташкил этган TESOL (инглиз тилини бошқа тил ўқувчи-ларига иккинчи тил сифатида ўқи-тиш) ва TEFL (инглиз тилини чет тил сифатида ўқитиш) каби таълим дастурлари услубий жиҳатдан аҳа-миятли бўлиб, юқори самарадор-ликка эга. Ушбу дастурлар бўлгуси педагогларга инглиз тилини чет тил сифатида муваффақиятли ўргатиш учун зарур восита ва кўникмаларни тақдим этди. Талабаларнинг ўзига хос эҳтиёжига мослаштирилган тур-ли ўқитиш услублари ва педагогик таъминотларни чуқур ўрганиш билан TESOL ва TEFL дастурлари ишти-роқчилари малакали ва ўзига ишон-чи баланд ўқитувчиларга айланади.

Чет тилда беҳато мулоқот қилиш ва самарали фойдаланиш кўникма-ларини ривожлантириш учун грам-матика ҳамда мулоқот ўртасидаги мувозанатни топиш, ўқитиш ме-тодикасини ҳам қайта қўриб чиқиш керак. Замонавий тил ресурслари ва технологияларидан фойдала-ниш ушбу мувозанатни ёндашуви тўлдиради. Ўқув жараёнини яна-да қизиқarli ва самарали қилади. Аммо бу муаммонинг бошқа томони ҳам бор. Келгуси уч йилда мактаб-ларнинг 54 минг ўқитувчига ҳал-қаро тил сертификати берилишини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Кўп ҳамкасбларим, жумладан, ўзим учун ҳам бундай савол туғилади: бу ўқитувчилардан қанчаси ушбу сер-тификатни олгандан кейин мактаб-ларда ишлашни давом эттиради? Президент қарори билан С1 дара-жадаги сертификатга эга ўқитувчи-ларга 50 фоизли қўшимча моддий рағбатлантириш белгиланган бўлса ҳам мактаблардаги маош хусусий

даражаси ва умумий ўқитиш сама-радорлигини баҳолашни ўз ичига олиши керак. Бундан ташқари, маъ-лумотларни таҳлил ва таҳқиқ қилиш ҳам муҳим. Тадқиқотлар ўтказиш ва маълумотларни таҳлил қилиш дастур самарадорлигини ва унинг таълим натижаларига таъсирини баҳолашга ёрдам беради. Бу стра-тегияни такомиллаштириш ва қарор қабул қилиш учун асос бўлиши мум-кин. Асосий вазифа ўқитувчиларни касбий ўсишга рағбатлантириш ва талабаларга юқори сифатли таълим бериш ўртасидаги мувозанатни то-пилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарорига муво-фиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бош-лаб кундузги таълимнинг 2-4-курс талабалари учун “4+2” форматда тизимли амалиёт ўтказилмоқда. Мазкур ташаббус доирасида тала-балар учун ҳафталик ўқув машғулот-лари олий таълим муассасаларида турт кун, умумтаълим мактабларида икки кун тартибда тақсимланади. Бу конструктив ёндашув ва тажри-бали ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган муҳим қарор. Бундай амалиёт шакли самара бериши учун тизимдаги айрим муаммоларни ҳал қилиш зарурати ҳам йўқ эмас.

Дастлаб амалиётни ташкил этиш-да талабаларнинг кичик гуруҳи учун университет томонидан тажрибали методист-ўқитувчи бириктирилиши кўзда тутилган. Бироқ амалиёт соа-ти ўқитувчи оқламасида аудитория соати сингари малакаланмагани боис, амалиётга раҳбарлик қилиш ўқитувчига қўшимча иш, қўшимча юклама. Кўп ҳолларда амалиёт раҳ-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.

таълим даргоҳлари ўқитувчилари-ники билан рақобатлаша олмаслиги мумкин. Бундан ташқари, мактаб-лар ва хусусий ташкилотларда (жумладан, ўқув марказларида) иш шaroити сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ҳам эътиборга олиниши зарур бўлган муаммо.

Ҳалқаро тил сертификати эга ўқитувчиларнинг натижаларини ку-затиш ва уларни рағбатлантириш бир неча йўл билан амалга ошири-лиши мумкин. Биринчи навбатда, мониторинг ва баҳолаш жуда муҳим. Давлат сертификатини олгандан кейин ўқитувчилар ишидаги ўзга-ришларни кузатадиган мониторинг тизимини жорий қилса бўлади. Бу ўқувчиларнинг хорижий тилини ўра-нишдаги ютуқларини, тилини билиш

барининг айнаи шу кўнлари уни-верситетда аудитория машғулотлари ҳам қўйилган бўлади. Натижада ме-тодист-ўқитувчи амалиёт ҳудуди-га бора олмади. Бинобарин, талаба-лар амалиёт раҳбарининг назорати ва қўллаб-қувватлаши, маслаҳати билангина амалиётни унумли ўташи мумкин.

2022/2023 ўқув йилидан давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимига ишга янги қабул қилинаётган талаб-гор қамида В2 даражадаги миллий таълим тизимининг малакасини монито-ринг қилиш, баҳолаш ва таҳлил қи-лиш, шунингдек, маълумот ҳамда тадқиқотлар асосида стратегияни тўғри белгилаш орқали ўқитувчи-ларнинг касбий ўсишига кўмакла-шиш ва талабаларга юқори билим бериш ўртасидаги мувозанатга эришилади. Барча манфаатдор то-моннинг самарали ҳамкорлиги ва бу борада муваффақиятга эришган мамлакатларнинг таълим тизими-даги ўзига хос хусусиятларни мун-тазам ўрганиб, зарур ўринларда ўзлаштириб бориш тил таълими-да яхши натижаларга эришишнинг асоси бўлади.

Ишга қабул қилинаётган ўқитув-чиларда ҳалқаро тил билиш серти-фикати мавжуд бўлиши зарурлиги ҳақида талабни жорий этиш ҳар

Ҳосият БЕКМИРЗАЕВА
Ўш, Қирғизистон

Бошланиши 1-бетда

Фольклоршунослар қирғиз халқ оғзаки поэтик ижоди тўғрисида гўё у “бошқа туркий элларнинг фольклорига ўхшамас, мустақил заминда вужудга келиб, ўзича тараққий қилган”, деган фикрларни айтади. Лекин бу ғайриилмий фикр. Чунки ҳеч бир эл қўшничилик қилмай яшаган эмас, бир-бирига маданий, адабий таъсир ўтказмай қўймаган. Қирғиз ва ўзбек халқлари ҳам қадим-қадимдан бир хил табиий ва тарихий шароитда қўшни бўлиб яшагани учун бир-бирига маданий таъсир ўтказган.

Шунинг учун бу икки қўшни туркий халқ орасидаги адабий алоқалар алоҳида ўрганишга лойиқ. “Манас” ва “Ал-помиш” достонларининг ўхшашлиги кўп. Бу икки улур мероснинг айрим боблари шу қадар ўхшашки, худди бир-бирини такрорлагандай ёки бир бобнинг икки нусхасидай. Масалан, от чопиш — пойга боби иккала достонда ҳам деярли бир хил. Ҳар иккала асарда ҳам от тимсоли мукаммал образ даражасида, достондаги ўқ отиш мусобакалари ҳам бир хил тасвирланган.

Ўрта Осиё халқлари кишилик тарихида илм-фан ва маданият, адабиёт учун ажойиб сиймоларни етказиб берган. Туркий эллар кўҳна тарих бағрида сезиларли эл қолдирган. Улар орасида Алишер Навоий сиймоси алоҳида буй қўзиб, қомат кериб туради. У ҳар жиҳатдан туркий халқларнинг ўз кишисидир. Унинг ўзи айтганидек:

*Асар бир кавм, гар юз, йўқса минағидир.
Муайян турк улуси худ менинағидир.*
Яна бир ўринда:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам,
дейди.*

Алишер Навоий тилимизнинг барча шеваларидан унумли фойдаланди, уларни бир ўзанга бурди, сайқаллади, ҳадди аълосига етказди. Ўзи қаромат қилгандай, то турк улуси бор экан, ёзганларининг нархи тушмағай, авж пардадан ҳам пастга инмағай.

Алишер Навоийнинг инсонпарвар гоёгарлиги йўғрилган сатрлари қирғиз китобхонларига ҳам манзур бўлишига шубҳа йўқ. Унинг асарлари қирғиз тилига таржима қилинганига қарийб 70 йил бўлибди. Чунончи, адабиётшунос олим, таржимашунос Зухриддин Исомиддинов “Сен ҳам дарё, мен ҳам дарё” мақоласида ўзбек-қирғиз ва қирғиз-ўзбек таржимачилигига ҳам ўша йиллар (1940-1950 йиллар) асос солинганини айтади. Хусусан, Смар Шимеев “Фарҳод ва Ширин” достонини, Али Токамбоев, Аликул Осмонов, Узоқбой Абдикаймов, Темиркул Уметалиев, Смар Шимеев, Қубанич Акаев, Насирдин Байтемировдан иборат таржимонлар кенгаши “Лайли ва Мажнун” достонини қирғиз тилига маҳорат билан таржима қилди. “Лайли ва Мажнун” 1948 йил, “Фарҳод ва Ширин” 1962 йилда Бишкек (собиқ Фрунзе) шаҳрида чоп этилган. Қайси халқнинг асари бўлмасин, агар таржимон маҳорат билан ўз тилига таржима қила олса, ўша тилдаги асарга айланади.

Ҳозир эса ҳамма ўз ҳолича таржима қиляпти, сўзнинг маъносига, товланишларига эътибор берилмаппти. Аслида,

сўзга эҳтиёткор, сўздан қўрқадиган ижодкор таржимага қўл уриши керак. Тўғри, айни замонда ҳамюртимиз, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим, замонамизнинг етук таржимашуноси Зухриддин Исомиддинов соҳадаги ижодий фаолият, ютуқ ва камчиликлар устида доимий иш олиб бориб, таҳлил ва тавсияларини бериб келмоқда.

Шу ўринда ўзбек-қирғиз адабиётидаги таржима асарларни қўриб чиқадиган бирор кенгаш тузиш керакмикин, деб ўйлайман. Чунки хато қўлланган биргина сўз асар маъносини бузиши мумкин. Ўша сўз абадий хато бўлиб қолади. Шу маънода, бу ишга ўзбек ва қирғиз тилларини яхши биладиган мутахассисларни жалб этиш керак.

Қирғизистонлик ўзбек сифатида қирғиз халқига Навоийни яқинлаштириш, ўқитиш йўлини излай бошладим. Биринчи ғазалларини таржима қилишга уриниб ҳам кўрдим. Қирғиз тили жуда гузал тил, сингармонизм қондалари, табиий, қадимийлиги сақланиб қолган, товушлари чиroyли эшитилади. Бироқ Навоий ғазалларидаги айрим сўзларнинг муқобилини бу тилдан топиш қийин кечди. Бу борада, албатта, ҳаракат қилинапти. Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини қирғиз халқига яқиндан таништириш, мазмунидан баҳраманд этиш мақсадида “Ҳазойин ул-маоний”нинг биринчи девони “Ғаройиб ус-сиғар”ни, адабиётшунос Олимжон Давлатовнинг “Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар” китобини қирғиз тилига таржима қилдик.

Алишер Навоий асарлари чуқур фалсафий, бадий гузал, тузилиши мукаммал, гоят нафис ва ўзбек халқининг ўзига хослиги ва тилининг бойлигини кўрсата олган. Бунда таржимон икки халқ тилидан ташқари Навоий тилини ҳам билиши, таржимашуносликни ҳам ўрганиши керак. Нашрларнинг аҳамияти шундаки, дастлаб ғазал матни, сўнг лугат ва насрий баён келтирилиб, ундан кейин шарҳ ва изоҳларга ўтилади. Шу тарика қирғиз китобхони Навоий ғазалларини аслиятда ўқиш баробарида унинг сир-синаотидан ҳам хабардор бўлади. Ўрни Навоийдек буюк зотнинг



буюклигини англай бошлайди.

2022 йили Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммити доирасида янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаги халқ



қаро мукофот туркий оламнинг улуг адаби Чингиз Айтматовга берилганидан фахрланади. Бунда чуқур рамзий маъно бор.

Чингиз Айтматов “Правда” газетаси муҳбири сифатида Ўзбекистоннинг жуда кўп қурилишлари, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларида, Мирзачўлда бўлган, “Пахтанинг ойдин йўли”, “Тошкент садоси”, “Бухоро — Урал трассаси”, “Қолхоз кишлоғи тўғрисида ўйлар”, “Қудратли тўлқин” сингари очерк, публицистик мақолалар, лаҳзалар ёзган. “Пахтанинг ойдин йўли” мақоласида шундай илқ сатрлар борки, қалбимизни ифтихорга тўлдирди:

“Қадимий ўзбек маданияти ўзининг ажойиб ютуқлари билан азалдан ҳам машҳур. Ўзбеклар Ўрта Осиёда тенги йўқ ирригатор, деҳқон сифатида танилган. Ўзбек меъморлари фусункор Самарқанд, Бухорони бунёд этдилар. Ўзбек халқи орасидан Ўрта асрнинг машҳур астроном олими Улугбек, шоир Алишер Навоий етишиб чиқди... Византия маданияти ривожига римликлар қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Ўрта Осиё халқлари маданиятига ана шундай таъсир ўтказди”.

Чингиз Айтматов 1960-1965 йилларда “Правда” газетасининг Ўрта Осиё бўйича муҳбири бўлиб ишлаган, айни шу вақтда Одил Ёкубов “Литературная газета” муҳбири эди. Чингиз Айтматов билан Одил Ёкубов ўртасидаги дўстлик, қадрдонликнинг бошланиши шу даврга тўғри келади. Икки қардош халқнинг икки азамат ёзувчиси тенгдош эдилар. “Улугбек хазинаси” романи билан танишган Айтматов маслаҳатдўсти Ёкубовага махсус табрик телеграммаси йўллади. Улар орасидаги қадрдонлик узоқ давом этди. Айтматов Марказий Осиё халқлари маданиятлари уюشمаси раиси, Ёкубов унинг ўринбосари бўлиб фаолият юртатган.

Миртемир эса Қирғизистонда ижодий сафарларда кўп маротаба бўлган. Қирғизистон мавзусида туркум шеърлар яратган. Чингиз Айтматов у кишини катта шоир ва “Манас” эпоси таржимони сифатида эъзозлар, “чўнг шоир Миртемир шундай иш қилдики, биз энди қардор бўлиб қолдик...”, деган эди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир “Манас” қирғиз халқ эпосини ўзбек тилига 1964 йилда таржима қилган ва ҳақиқий ўзбекча янграта олган:

*Оққула миниб қаққайган,
Бугдой юзлик келди.
Тумандан йўл толғувчи
Олов кўзлик келди.
Оғасинга кетишдан
Йўлга чиққан экан-да.
Мен шўрликнинг дардида
Чўлга чиққан экан-да.*

Кейинроқ Чингиз Айтматов ўзбек шоири ҳақида бундай илқ сўзларни ёзди: “Миртемирни Ўзбекистонда қандай севсалар, ҳурмат қилсалар, қадрласалар, бизда, Қирғизистонда ҳам шеърят муҳлислари ва умуман, “Манас”ни миллий-тарихий бойлигимиз, ақлий эпик ижоднинг чўққиси сифатида

улар орасида қадрдонлик ва ҳамкорлик қизгин тус олади. Чунончи, Туроб Тўла Чингиз Айтматовнинг “Сомон йўли” қиссаси асосида мўсиқали драма яратади ва уни “Момо Ер” деб атайди. Асар Муқимий театрида сахна юзини кўради.

Чингиз Айтматовни шуҳрат поғонасига олиб чиққан “Жамила” қиссаси “Шарқ юлдузи” журналининг 1961 йлги 2-сонида Асил Рашидов таржимасида чоп этилган эди. Шундан бошлаб бу буюк истеъдоднинг янги-янги қиссалари пешма-пеш ўзбек тилига ўғирлиб турди. Уларнинг таржимасида турли авлодга мансуб ёзувчи-таржимонлар иштирок этди. Шундай қилиб,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

севиб, эъзозлаб қадрлайдиган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, Миртемирни ёдга олмаслиги мумкин эмас. Бинобарин, биз зўр эътибор билан ўрганаётган, ўрганишимиз лозим бўлган жуда қадимий ва бой анъаналарга эга ўзбек халқи адабиётини, маданиятини эҳтиром билан ёдга олмас-



лиги мумкин эмас ва мен ўйлайманки, биз ҳам, ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳамда маданияти бойлиқларини ўз ижодий тизимимизга қўиш учун ҳаракат қилишимиз керак, албатта, шундай қиламиз”.

Чингиз Айтматов билан Туроб Тўла ўртасидаги биродарлик муносабати ва ижодий ҳамкорлик ҳам эътиборга молик. 60-йилларнинг ўрталарида Туроб Тўла Ўзбекистон, Чингиз Айтматов эса Қирғизистон кинематографчилар уюшмаси раҳбари бўлган. Ўша йиллари

ўзбек адабиётида Чингиз Айтматовнинг Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров каби хос таржимонлари ҳам пайдо бўлди.

Айтматов ўзбек ёзувчиларига баракали адабий таъсир кўрсатгани, бу ҳолни, асосан, 60-йилларда адабиёт майдонига қириб келган ёзувчилар авлоди ижодидан бошлаб кузатиш мумкин. Хусусан, Шўкур Холмирзаев ижодида Чингиз Айтматовнинг таъсири барақлла сезилади. Бу таъсирни, аввало, Шўкур Холмирзаевнинг дастлабки йирик асарларидан “Ун саккизга қирмаган ким бор?” қиссасига танлаб олган мавзуда кўраимиз. Ўзбек адабиёти тажрибасида ўша пайтгача ўспиринлар турмушига оид ҳеч бир қўрилмаган мавзу бу.

Тилов билан Жамшид онаси Аликул оталари бошқа-бошқа ака-укалар. Ака-ука дедик, аммо ораларидаги ёшда ҳам унча фарқ йўқ. Улар ўрта мактабни битирди. Ўртада синфдошлари Муяссар бор. Муяссарнинг кўнгли Жамшида. Илло, Жамшид ёшроқ бўлгани учунми, севиғиси аниқ-тиниқ бўлса ҳам сўз ва фаолиятсизроқ. Оқибатда ёшда ҳам, ҳаракатда ҳам дадилроқ бўлган Тилов Муяссарни илиб кетади, унга уйланади. Лекин муқаррар улар қурган оила оила бўлмайди.

Нафақат ҳаётий воқеа танлашда, балки асарнинг бадийи даражасида ҳам Чингиз Айтматов услуби таъсири қўриниб туради. Бу, айниқса, тасвирнинг кўз илғамас қуюқлиги, таҳлил-синтезнинг нақадар теранлигидга қўрилади. Характер яратишда психологик таҳлилга таяниш, уни асосий восита қилиш Чингиз Айтматов услубига хос бўлган.

Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом”, “Отамдан қолган далалар” асарларида ҳам Чингиз Айтматов нафаси сезилади. Уларда атоқли қирғиз адабиёти, шунингдек, америкалик овчи, биолог, рассом ва ёзувчи Сетон-Томпсонга тақлид даражасидаги ўринлар ҳам йўқ эмас. Адабий таъсир тақлид ёки қўрқуна эргашиш эмас, балки адабий-ижодий таълим дегандир.

Жанубий Қирғизистонда, асосан, ўзбек миллатига дохил халқ истиқомат қилгани боис, ўзбек адабиёти Қирғизистонда ҳам ўз йўналиши билан ривожланди. Ўтган асрда гурқираб чиққан ижодкорлар Мирзохид Мирзарахимов, Турсунбой Адашбоев, Қўлдош Мирзо, Усмон Темур, Абдуғани Абдуғофуров, Ғанихон Холматов кенг имкониятлар, яхши устозлар, адабий муҳит сабабми, Ўрта Осиёга танилди. Улар ўз истеъдодларини намоян этиб, таржимашуносликда бир неча ўнлаб китоблар чоп этди. Бу борада юртдошимиз Турсунбой Адашбоев, айниқса, самарали меҳнат қилган. У катта таржимон ҳам эди. Қирғиз ва рус тилларидан таржималар қилган. “Манас” эпоси насрий баёнини ўзбек тилига ўғирган.

Ҳозир қирғизистонлик яна бир шоир Қўрбон Саттор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Хуршида Ваҳобжон қўзининг юзга яқин шеърини қирғиз тилига ўғирди. Сейит Кенжаматовнинг қўлпаб ҳикояларини қирғиз тилидан ўзбек тилига моҳирлик билан таржима қилган. Ҳўмладан, “Даҳшатли туш” ҳикоясини ўқисангиз, худди ўзбек тилида ёзилгандай, “ўдағайлади”, “қуриб кетсин” каби сўзлар билан ўзбек тилида сўзлайди. Умуман олганда, таржимоннинг барча таржималари таржимага ўхшамайди.

2015 йилда қирғиз шоири Аликул Усмонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан 70 га яқин шеър ва поэмаси Қўрбон Саттор томонидан таржима қилиниб, “Қўл тўлқини” номи билан чоп этилган. Тўпламга унинг “Ватан”, “Ўттиз ёш”, “Исқикчи” каби шеърли асарлари кирган. Китобга Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Давлат тили бўйича комиссия хомийлик қилган. Бу гоё аслида анча йиллар аввалдан болалар ёзувчиси, раҳматли Турсунбой Адашбоев томонидан бошланган. Қўрбон Саттор Турсунбой Адашбоевнинг шоғирди ва издоши, устозининг ташаббуси билан таржимага астойдил қиришган эди. Насрий асарини ҳам, шеърли асарини ҳам ўзбек тилидан қирғиз тилига, қирғиз тилидан ўзбек тилига бирдек таржима қилади.

Хулоса қилиб айтганда, икки қардош халқнинг адабий-бадий адабиётдаги қардошлиги ҳам умрбоқийдир.

БОҚИЙ МЕРОС

БАХШИЧИЛИКНИНГ НОЁБ ОҲАНГИ

Ўзбек бахшичилик санъатининг “ЮНЕСКО”нинг Инсоният ноъодий маданий мероси Репрезентатив рўйхатида қўйилиши Республика бахшичилик санъати маркази давлат муассасаси ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Марказ илмий ходимлари томонидан Болалар мўсиқа ва санъат мактаблари ҳамда Маданият марказларида фаолият юритаётган “Бахшичилик” синфлари ва тўғаракларида фойдаланиш учун “Бахшичиликка ўқитиш методикаси” (Бахшичилик мактабларининг 1–5 синф ўқувчиларига мўлжалланган), “Ўзбек бахшичилик санъати тўғрисида маълумотлар”, “Ўзбекистон бахшичлари” китоб-албомининг II қисми, “Бахшичилик санъати даргалари” номи деворий кўргазмали суратлар жамланмаси тайёрланди. Шунингдек, бахшичилик синфхонасини жиҳозлаш бўйича мето-

дик тавсиялар Маданият муассасаларида тақдим этилди. Ёшларда бахшичилик санъати ҳақида илк тасаввурни уйғотиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида бахшичилик тўғаракларини ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Соҳа вакиллари ва таниқли фольклоршунос олимлар билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудларида яшаб, ижод этган бахшилар, оқин ва жировлар ижодини ўрганиш, тадиққ этиш мақсадида бир қатор илмий экспедициялар олиб боришмоқда.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.